
АҚЛЛИ БЕКАТ ҚУРИЛМОҚДА

Ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган “Пулинг бўлса, ҳокимлик сеники” номли мақола борасида Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада кўрсатилган жойда қўрилаётган иншоот тадбиркорнинг биноси эмас. Аксинча, Риштон туманида қурилиши режалаштирилаётган ақлли бекатлардан биридир. Янги қиёфа касб этаётган Риштон тумани марказида кўплаб ана шундай бекатлар қурилиши режалаштирилган. Бекат қуриш учун Фарғона вилояти йўллари таъмирлаш корхонаси рухсат беради. Юридик шахслар бу борада ушбу ташкилотга мурожат этишлари мумкин.

Такрор айтамиз, ушбу қурилаётган иншоот ақлли бекат сифатида фаолият юритади.

2020-07-13 16:00:06